

## Транспорт

**Юк ташиш.** 2016 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 187,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1069,5 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 7,1 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-июнь	2015 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	187,2	100,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	187,2	100,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	1069,5	107,1
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1069,5	107,1

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йил январь-июнга нисбатан 8,0 фоизга кўпайди ва 423,9 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 40,3 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-июнда 39,9 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2016 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 94,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 0,6 фоизга кўпайиб, 1439,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-июнь	2015 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	94,6	103,4
шу жумладан, автомобил транспортида	94,6	103,4
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	1439,7	100,6

	2016 йил январь-июнь	2015 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан, автомобил транспортида	1439,7	100,6

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2015 йил январь-июнга нисбатан 9,7 фоизга кўпайди ва 882,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 61,3 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-июнда 56,2 фоиз).